

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МО.5-21

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг
2013 йил “20 ” декабр даги
“484” соили буйруғи билан тасдиқланган.

ИҚТИСОДИЁТ

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш
йўналишининг ўкув дастури

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабдаги 5-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов - ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев - ЎзМУ ҳузуридаги минақавий марказ директори
и.ф.д., проф. Г.Н.Ахунова - ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори
и.ф.д., проф. Т.Ш.Шодиев - ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази бўлим бошлиғи
и.ф.н. Х.А.Курбонов - ТДИУ “Давлат молияси ва солиқлар” кафедраси доценти
к.ўқ. М.Ж.Бауетдинов - ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: и.ф.д., О.Ю Рашидов - ТДИУ “Банк иши ва корпоратив молиялар” кафедраси профессори
и.ф.д., проф. Н.М.Махмудов - ТДИУ “Макроиқтисодиёт” кафедраси профессори.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида тавсия қилинган (2013 йил 29 ноябрдаги 4-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усусларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикиси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;

- Амалий хорижий тил;
- Тестология асослари;
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши;
- Давлатнинг иқтисодий сиёсати;
- Макро ва микроиктисодиётнинг долзарб масалалари.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Танлов фанлари модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Иқтисодиёт” таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Иқтисодиёт” таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб масалалари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига
қўйиладиган талаблар:**

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёrlаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;

- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанлари йўналишлари жараёнлари, қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларининг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- тестология асосларини;
- модернизация категориясининг мазмун моҳияти, сабаблари, шаклларини;
- инновацион ривожланиш жараёнларини;
- иқтисодий қонунларни амал қилишини;
- давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг устувор йўналишларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни яратади олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- модернизация категориясининг мазмун моҳияти, сабаблари, шакллари, шартлари, омиллари ва оқибатларини илмий-назарий негизини тадқиқ этиш;
- иқтисодий маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш, инновацион ривожланишнинг жараёнларини тушуниш;

- иқтисодий қонунларни амал қилишини тушуниш ва ривожланиш жараёнини таҳлил этиш;
- давлатнинг солик сиёсати ва унинг юкини енгиллаштириш жараёнини таҳлил этиш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишида диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усусларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитишида дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

«Иқтисодиёт»

малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимой ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг ахамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фан дастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-

коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўкув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

П. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўкув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўкув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўкув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўкув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўкув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимиy ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўкув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурний воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўкув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўкув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартурувчилари, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўкув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўкув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий

таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик муроқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиялари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва муроқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида муроқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вакъларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий муроқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид муроқот. Йириқ, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўнглоси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш

бўйича қабул қилинган меъёрий-хукуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

2.7. Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг хукуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши.

Инновацион ривожланиш назариясининг вужудга келиши ва шаклланиши. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Янги иқтисодиёт назарияси. Янги иқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти. Билимга асосланган индустрисал тармоқлар. Ахборот технологиялари ва билимлар иқтисоди. Жаҳон тажрибаси. Халқаро иқтисодий муносабатлар мухитининг такомиллашиши ва билимлар иқтисоди. Модернизация категориясининг мазмун моҳияти, сабаблари, шакллари, шартлари, омиллари ва оқибатларини илмий-назарий негизини тушуниш.

Инновацион ривожланишга асосланган индустрисал тармоқлар. Ахборот технологиялари ва билимлар иқтисоди. Жаҳон тажрибаси. Глобал тенденциялар ва рақобат мухитининг кучайиши шароитида инновацион ривожланиш омиллари. Ўзбекистон иқтисодиётидаги инновацион ривожланиш дастурлари. Глобаллашув жараёни ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири. Фан ва техниканинг ривожланиши. Билимлар товар шаклини олиши. Товарларни сотиш натижасида олинадиган тушумларнинг тезлашуви. Институционал ташкилотларнинг узвий алоқалари мавжудлиги. Республикадаги амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва уларнинг самараси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.

3.2. Давлатнинг иқтисодий сиёсати.

Глобал молиявий-иктисодий инқироз ҳукм сураётган шароитда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий

кўрсаткичлар таҳлили. Мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилган тадбирлар натижасида қўлга киритилган ижобий ўзгаришлар. Мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилган тадбирлар натижасида қўлга киритилган ижобий ўзгаришлар. Иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар - мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишининг омили. Эркин индустрисал-иқтисодий зоналар - худудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс фойдаланиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шартшароитлар гарови. Аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари. Мамлакатимиз аграр сектори тармоқларида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар. Аграр секторни истиқболда ривожлантириш йўналишлари. Аҳолига кўрсатилган юқори қўламли хизматлар натижасида инсонларимизнинг турмуши сифати юксалишида юз берган ўзгаришлар.

3.3. Макро ва микроиқтисодиётнинг долзарб масалалари.

Макроиқтисодиёт ва унинг асосий тамойилари. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Макроиқтисодиёт фанидаги янги ғоялар. Дастрлабки макроиқтисодий таҳлил элементлари. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг моҳияти. Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Инфляция: моҳияти, ҳисобланиши ва турлари. Ялпи талаб – ялпи таклиф модели. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари. Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий мувозанат модели. Пулга талаб функцияси. Давлат бюджети . Солиқлар. IS-LM модели. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик моделлари. Халқаро савдо назарияси. Ташқи савдо сиёсати. Тўлов баланси. Валюта курси. Очиқ иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсат.

Микроиқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти. Микроиқтисодиёт асослари. Товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар. Ишлаб чиқариш харажатлари ва ресурслар. Талаб ва таклиф, уларнинг детерминантлари. Янги микроиқтисодиёт назариялари. Рақобат муҳити ва иқтисодий самара. Иқтисодий фойда тушунчаси ва унга таъсир этувчи омиллар. Истеъмолчиларнинг хатти ҳаракати назарияси ва товарларнинг нафлиги. Микроиқтисодиёт назариясининг амалий аҳамияти. Микроиқтисодий стратегиялар. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва ундаги микро даражадаги корхоналар.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Олий таълим тизими инфраструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўкув машғулотларининг методик

таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб марказ танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тестология асослари, ахборот хавфсизлиги, хаёт фаолияти хавфсизлиги, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, давлатнинг иқтисодий сиёсати, макро ва микроиқтисодиётнинг долзарб масалалари, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, илғор хорижий педагогик тажрибалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- малакавий иш;
- тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади);
- мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш;
- мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш;
- ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслерини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

- Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишини лойиҳалаш.
 - Ахборот – коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари ва келажаги.
 - Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари.
 - Педагогик дастурий воситаларда ўқув фаолиятини бошқариш.
 - Талабаларда эркин фикрлашни шакллантиришда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг психологик аҳамияти.
 - Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг ҳозирги шароитида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари.
 - Қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уни янада ривожлантириш истиқболлари.
 - Билимларга асосланган иқтисодиётнинг шаклланиш даражасини баҳолашнинг Жаҳон банки усули.
 - Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш давлат сиёсати ва унинг стратегик йўналишлари.

- Мамлакатимизда молия-банк тизимидағи ислоҳотлар ва уларнинг устувор йўналишлари.
 - Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий кўрсаткичларни комплекс баҳолаш.
 - Ўзбекистонда ижтимоий инфратузулмани ривожлантириш истиқболлари.
 - Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш концепцияси.
 - Макроиқтисодий барқарорликни, таъминлаш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш йўллари.
 - Бандликни ошириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари.
 - Жами талаб ва жами таклиф ва уни макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни.
 - Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.
 - Республикада корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари.
 - Ўзбекистонда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш омиллари.
 - Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати.
 - Корхонанинг асосий фондлари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.
 - Хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлаш масалалари
 - Корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари.
 - Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.
 - Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари.
 - Саноат тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни.
 - Бозор инфраструктурасини ривожлантириш ва уни макроиқтисодий барқарорликка таъсири.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараённида таълимнинг замонавий методларини, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштириш назарда тутиади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август. Т.: “Адолат”, 1997 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Олий таълим. Меъёрий хужжатлари тўплами: Муаллифлар жамоаси. – Т.: Шарқ , 2001 й.
4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
6. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаридаған йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2011.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.- Т.: Ўзбекистон. –Т.: 2010.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. –Т.: 2008.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари – Т.: Ўзбекистон, 2009.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
16. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
17. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
18. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори

малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. - 218 б.

23. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005 й. - 213 б.

24. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.

25. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996.- 218 с.

26. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002.- 98 с.

27. Саттаров И., Б.Ғ.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов.“Компьютерда лаборатория ишлари”. Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й.- 143 б.

28. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. - 163 б.

29. Холмуродов Р.И., М.Ҳ.Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. - 176 б.

30. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г.- 92 с.

31. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика-Т.,2002 й. - 163 б.

32. Қ. Усмонов, М. Содиқов, С.Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.

33. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.

34. Исломов З.М. Ҳукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўкув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.

35. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.

36. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.- 320 б.

37. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳукуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

38. Грегорий М. Макроэкономика.- М.: Новый мир, 2005 й.

39. Р.Пиндайк. Микроэкономика.- М.: Экономика, 2007 й.

40. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2001 й.

41. Шодмонов Ш.Ш., Юсупов Р.А. Замонавий бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2007.

42. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004.
43. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. – Т.: «Фан», 2003.
44. OECD, 1996, The Knowledge-Based Economy, OECD Paris, p16
45. OECD, 1996, The Knowledge-Based Economy, OECD Paris, p16; see also OECD, 1997, National Innovation Systems, OECD, Paris.
46. Касимов Ю.Ф.Финансы и инвестиции: Инвестиционный процесс и его оценивание. Оптимальные портфели ценных бумаг. Активы с фиксированной доходностью. Учебное пособие. Москва, Анкил, 2008 г. 232 с.

Интернет маълумотларн:

1. www.press-service.uz
2. www.gov.uz
3. www.uz
4. www.bank.uz
5. www.press-uz.info
6. www.infocom.uz
7. www.ziyonet.uz
8. www.edu.uz
9. www.tdiu.uz
10. www.lex.uz
11. www.norma.uz
12. www.stat.uz
13. www.mf.uz
14. www.soliq.uz
15. www.mineconomy.uz